

“Шу ернинг об-хавосидан бахраманд бўлиб камол топсангу унинг шарафини химоя килмасанг, (она диёринг) оёк ости бўлиши, кадрсизланишига йўл кўйсанг, нобакор ажнабий ўз ватани шон-шавкати учун сенинг ота-боболарингнинг кони тўкилган ерингни вахшийларча топтаб, конингни симирса ва уни ўзининг ахлатхонасига айлантурсаю сен хиссизларча караб турсанг ёки ундан кочсанг, ўзинг унинг горатланишига кўмаклашсанг, унда сен бу ватаннинг номусли ва содик фарзанди эмассан”.

*Саидризо Ализода, “Туркистон — бизнинг ватанимиз”, 1920 йил.*

### **С.А. жумбоги**

Гайбуллох ас-Салом 1964 йили нашр этилган "Тил ва таржима" китобида ўтган асрнинг ўнинчи, йигирманчи, ўттизинчи йилларида С.А. имзоси билан кўп ва ранг-баранг асарлар эълон қилган муаллиф билан кизиқиб қолгани, ҳаёлини мудом банд этгани, вақти-соати билан жиддий шугулланишни ниёт қилганини айтар эдилар. С.А. ёзган асарлар тили, услуби Садриддин Айнийникига ўхшамас, демак, бошқа зўр, истеъдодли муаллиф ҳақида сўз борар эди.

"Сиз суриштириб юрган муаллиф Саидризо Ализода бўлади, - дейди бир куни самар-кандлик иктисодчи олим Эркин Хўжаев. - Мана бу манзилга бориб, мана бу одамлар билан учрашсангиз кўп нарсалардан воқиф бўласиз”.

Тугуннинг учи топилганидан қувониб кетган серхафсала, қуюнчак домла бетоблиги, иш-ташвишларини унутиб дарҳол Самарканд-га йўл олади, Ализоданинг жигарбандлари, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари билан танишади, ул зотни кўрган, билган кексалар билан суҳбатлашади, айниқса невараси, геолог Фарход Ализодадан кўп маълумот олади, "Уни "Ого" дер эдилар", "Мовароуннахр фарзанди", "Сохиби даврон" номли мақолалар эълон қилади, "Мангуликка пойдор" деган радиокомпозиция тайёрлайди, телевизорда чиқади, донишманд таваллудининг 105 йиллигида маъруза қилади, йирик, марокли тадқиқот ёзиб "Эзгуликка чоғлан, одамзод" китобига (1997) қиритади, 500 га яқин асари таржималари Марказий Осиё, Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Озарбойжон, Тожикистон, Татаристон, Қримда чоп этилган, чақув билан катагон қурбони бўлиб ўзок вақт-лар ватандошларига номаълум бўлиб қелган комусий билим сохиби, муаллим, мураббий, муҳаррир, мутаржим, муганний, муаррих, тилшунос, журналист, ношир, шоир, актёр, режиссёр Саидризо Ализодани қайта кашф этишга салмоқли хисса қўшганлардан бири бўлади.

### **Қалами ўткир журналист**

Зехни ўткир, қуввайи хофизаси қучли, тиришқок Саидризо ўз устида тинимсиз ишлайди, тилларни мустақил ўрганишга ружу қилади, ўзбек, тожик, рус тилларида матбуотга хат, мақолалар ёзиб туради, "Самарканд" газетаси, "Ойина" журналида Бехбудийнинг яқин ҳамқори бўлади, "Телеграф хабарлари" номли варақани ўзбек тилида ўз хисобидан чиқаради (1914), "Шарқ" газетасига муҳаррирлик, "Хуррият"

газетасида таржимон ва мухбирлик (1917), 1922 йилдан "Зарафшон" газетасида бўлимга мудирлик килади, "Овози тожик" газетаси асосчиларидан бири бўлади, унга масъул котиблик килади. 1919 йили ўша давр рухига мос "Шарк машъали" номида ҳафталик журнал ташкил этади ва уни бошқаради. Форси ва тожик тилларида нашр этилган, адади 4 минг нусхага яқин бўлган ушбу мажалла Ўрта Осиё, Кавказортдан ташқари, Афғонистон, Эрон, Туркия, Хиндистон, бир канча араб мамлакатларига тарқалган эди. С.Ализода "Туркис-тон хабарлари", "Камбагаллар ўқи", "Хуррият", "Меҳнаткашлар товуши", "Бухорои шариф", "Турон", "Самарканд овози", газеталари, "Машраб", "Мулла Мушфикий" журналларида тез-тез чиқиб турган. Танқидий мақолалари, фелетонлари Бахлул, Замбур, Ранж-бар, Богишамолий, Шапалок, С.А. каби таҳаллуслар (жами 20 тача) остида босилган.

"Таёк" газетасининг 1920 йил 1-сонидан босилган фелетонида. "Болшевикларнинг ҳукумат орти билан қилгон хиёнат ва фискалари" мусулмон халқини мусибат ва балолар, мудҳиш оқибатларга олиб келишини башорат қилган, хушёр кўз, тиник ақл билан оғохлантирган эди. Эрк, хуррият, тинчлик, осойишталик, ижтимоий ҳаёт, маънавият, маърифат, адолат, инсонпарварлик, дўстлик, ҳамкорлик, тил, адабиёт, санъат, хушёрликка даъват ва ҳ.к. - мана Ализода публицистикасининг мавзу-муаммолари доираси.

Болшевиклар сиёсатига шубҳа билан қаровчи ўткир мақола, фелетон, памфлетлар ёзиш учун кўп тилни билишдан ташқари кенг савия, комусий билим, жасорат, маҳорат ва яна бир канча сифатлар талаб этилардики, буларнинг бари Саидризо Ализодада мужассам эди. Англия разведкаси жосуслари унинг боши учун бежиз эллик минг фунт стерлинг мукофот ажратмаганди; болшевиклар эса ватан, миллат равнақи йўлидаги катта меҳнати, сидқидил хизмати эвазига уни инглиз жосусига, халқ душманига чиқариб чақув уюштиришган, ҳибсга олишган.

Журналистлиги, ёзув малакасини эгаллаганлиги, Эронда уч йил ўқиб келганлиги, кўп тилни билиши маърифатпарварлигига кенг йўл очиб беради. Самаркандда камбагал дехкон фарзандлари учун мактаб очиб, муаллимлик килади, "Сарфи араб", "Туркий алифбо", "Тарих", "Жугрофия", "Риёзиёт", "Хандаса", "Табиат", "Дин вожиблари", "Низомнома", "Бадан тарбияси", "Илми фазо" номли ўн битта дарслик тузади; ўзбек мактаблари учун "Биринчи йил" номли алифбо ёзиб, бепул таркатади, тожик тилида "Сарф ва нахв" (1924), ўзбек тилида "Хосилот" (1926) китобларини ёзиб чоп эттиради, Самарканд-да яшайдиган руслар учун кечки курслар очиб, ўзбек ва форс-тожик тиллари ўқитади, мутафаккир Абдулла Шоик билан янги озарбайжон алифбосини тузади, 2 жилдлик русча-тожикча лугат тузиб (1933-1934) нашр эттиради, 1933-1937 йилларда СамДУда араб ва форс тилларидан ўқитувчилик килади, Хамид Олимжон, Ўткир Рашид каби шоирларга дарс беради, журналист Шароф Рашидов, файласуф Иброҳим Мўминовлар билан мулоқотда бўлади. Лохурдан меҳмон бўлиб келган Мирмухаммад Гармони Афғон деган ноширни бир неча кун меҳмон қилиб, унга "Маросилот", "Туркистон тарихи", "Русия тарихи", "Умумий европа тарихи", "Ислом тарихи", "Ислом ақидалари", "Фазо илми" китобларини, "Саодат асри" номли романи ва таржима асарларини ишониб топширади. Болшевиклар ҳукуматининг сўзи билан иши бир жойдан чиқмаётганини кўриб, билиб, хавфсираб юрган мутафаккир асарлари бу

ерда чикмаслигига, йўқотиб юборилиши эхтимолига кўзи етгани (камалганидан ке-йин шундай бўлди ҳам) учун шундай килган бўлса керак деб ўйлагинг келади. Афгон ноширига берилган китоблар тақдири узок вақт номаълум бўлиб келди, фақат кейинчалик улар 1923-1933 йилларда Лохурда чоп этилгани маълум бўлди.

С. Ализода "Капитан кизи", "Борис Годунов", "Дубровский", "Евгений Онегин", "Тирилиш", "Ревизор", "Очилган кўрик", "Цемент", "Пўлат кандай тобланди" асарларини русчадан ўзбек, форс, тожик тилларига ўгиради, франтсузчадан Молер, Мопассан, инг-лизчадан Эптон асарлари таржимасига кўл уради. (Куръони каримнинг айрим оятларини фаранги тилга ўгиргани хақида ҳам маълумотлар бор). Ибн Сино, Фирдавсий, Низомий, Фузулий, Навоий асарларидан рус тилига таржималари ҳам тахсинга лойик иш эди. С. Ализода "Мехробдан чаён"ни шундай махорат билан ўгирган эканларки, бир одамдан асар худди тожик тилида ёзилгандай равон, силлик чиккан деган мактовни эшитиб фахрланиб кетдим, бобом Самар-кандда кўп бўлган, бир муддат у ерда яшаган, Ализода билан анча мулоқот килган бўлишлари керак, - деди яқинда Абдулла Кодирининг невараси, ТошДУ журналистика факултетида ўқиб юрганидан бошлаб бобосининг ижодий меросини йиғиш билан машғул бўлиб келаётган, яқинда кичик асарларни тўплаб катта китоб нашр эттирган Хондамир Кодирий. Бир орзумиз: "Ўткан кунлар" ҳам тожикчага ўгирилса, роман кўп халқлар тилларига таржима килинган бўлсаю, ён кўшнимиз китобхонлари уни ўз тилида ўқишмаса... Хар икки тилни яхши биладиган мохир таржимонни кутиб турибмиз".

### **Бобонг бўлса шундай бўлса...**

Бир куни фойтунда кетаётган Ализода йўлда юпун кийимли, оёк яланг бир одамни кўриб қолиб, тўхтаб ботинка устидан киядиган калошини ечиб беради. Ишга келгач Садриддин Айний "Калишларини аябдилар-да, таксир", дея хазил килади, воқеани эшитгач, "бу ишингиз дуруст бўлибту", - дея мактайди. Бир серфарзанд аёл болаларига егулик, кийим-кечак олиш учун сигирини сотадию пулини йўқотиб кўяди, йўлда топиб олган Ализода пул эгасини кўп кидиради, газетага эълон ҳам беради. Ахири аёлни топиб, айтган белгилари бўйича уники эканлигига ишонч ҳосил килгач, қайтиб беради, ўзидан ҳам пул кўшиб, фойтун кира қилиб жўнатади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Саидризо Ализода 1887 йил 15 февралда Самаркандда таваллуд топган. Отаси хожи мир Махсум эронлик бўлиб, 1882 йилда Хуросондан Бухорога, сўнгра Самаркандга кўчиб келган, онаси Хадичабегим озарбойжонлик, машхур бастакор Узейир Хожибеконинг қариндошларидан экан.

Саидризо Ализода олти йил Самаркандда мадраса тахсилини олган, бир муддат отасига гилам сотишда ёрдамлашиб турган, бир рус зобити билан танишиб қолиб, унинг маслаҳати, кўмаги билан Демуров босмаҳонасига харф терувчи бўлиб ишга кирган, худди шу касб уни матбуотга ошно килган, унга бир умр содик колган. Саидризо Ализода 1937 йил декабрида сиёсий чакув натижасида хибс-га олинади, 8 йил Самарканд-Тошкент-Тоболск-Владимир турмаларида ўтириб, 1945 йил 24 декабрида сил касалдан вафот этади. Аллох Саидризо Ализодага хар томондан истеъдод ато

этган эди. У 1916-1922 йилларда Бехбудийнинг "Падаркуш", Молернинг "Зўраки табиб", Узеир Хожибековнинг "Аршин мол олан", "Лайли ва Мажнун", "Асли ва Карам" Хусайн Жовиднинг "Шайдо", "Шайх санъон" асарларини сахнага кўйишда катнашади, актер сифатида айрим ролларини ижро этади.

Ализода чумолига хам озор бермаган хокисор, мунис, меҳрибон инсон бўлган экан. Кариндоши Маъди бобонинг Гайбуллох ас-Саломга хикоя килиб беришича, Саидризо кишлокда айвоннинг тепасига девор бўйлаб ип тортиб чиқаркан-да, шифтга ипнинг учини осилтириб, бир дона чакмокканд боглаб кўяркан, ипга илашиб борган чумолиларнинг канддан бахраманд бўлишини завк билан томоша киларкан; озар шоири Собир Тохирзода Шамохи шахрида бетоб бўлиб ётганида бориб кўради, икки марта пул тўплаб юбортиради, 1911 йили Собир оламдан ўтгач кирк кун аза тутишади; "Бухорои шариф" газетасида "Бухоро, уйгон!" деган оташин маколасини ўкиган Файзулла Хўжаев Самаркандга келади, мирикиб сухбатлашади, Бухорога таклиф этади. Ф. Хўжаев республика халк комиссари раиси лавозимига тайинлангач, ўгли ва шогирдини олиб, Бухорога боради, олим ва арбоб тўрт соатча гурунг килишади, кайтишда раис ёзма амр килиб, бир коп канд, бир яшикдан чой, совун, икки коп газламани фойтунга орт-тириб, поездга чиқартиради. Манзилга кайт-гач, ога рўйхат тузиб барини ночор, мухтож одамлар, етим-эсирларга таркатади. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида С. Ализоданинг таърифини эшитган Афғонистоннинг ўша вақтдаги рахбари Омонуллохон икки марта махсус вакил юбориб юртидаги мактаб, маориф соҳасида катта лавозим таклиф килади, лекин Ализода ўз ватанида хизмат килишни афзал билиб, миннатдорчилик билдирган холда қабул килмайди.

### Киройи невара

Бобосини хибсга олишганида у кирк кунлик чакалок экан. Бувисининг эслашича, Ого ўзини бошка турмага ўтказишаётганини хабар килган, йўлга иссик кийим ва егулик олиб келишларини хамда неварасини бир кўрсатишларини сўраган экан. Айтилган вақтда ваҳимали бинога кираверишдаги махсус хонада хозир бўлишади. Бир неча дакика мухлат беришади. Киска сўзлашув, хайр-хўшлашув. Махбус эшикнинг кичик пиёла огзидек келадиган тир-кишидан чакалокнинг жажжи бармогини ўпиб, юзига суради-да, "Ойиси, шу неварамни эҳтиёт килинглар, вақти-соати келиб менинг айбсизлигимни шу бола исботлайди ва номимни рўёбга чиқаради", - дейди. Невара деганимиз хозирда Саидризо Ализода жам-гармаси ва уй-музейи директори, геолог Фарход Ализода бўлади. Етмиш бир ёшли сер-гайрат, серхаракат, беш тилда бемалол гаплаша, ёза оладиган Фарход акани бир кўрган, сухбатини олган киши канийди хар бир неваранинг шундай бобоси, хар бир бобонинг шундай невараси бўлса, дея хавас килади.

Фарход Ализода хикоясидан: 1959 йили бобомиз оклангани хакида коғоз олдик. Уйимиздагилар холатини тасаввур этасиз: дардли байрам, кувонч, армон, алам ёшлари, муборакбод килгани келган кўни-кўшнилари, таниш-билишлари, хотиралари. Йигирма икки ёшга кирган, армия хизматини ўтаб келган йигитман. Келди-кетдилар, ширин хотиралардан кувонаман, бувимдан сўрайман: бобомиз шундай зўр инсон бўлган экану нега бизга ҳеч нарса демагансиз. "Э, болам, дейди бувим кўз ёшларини артиб айтсам тилим, айт-масам дилим куярди-да. У кишининг номларини кўрка-писа, шивирлаб

айтишарди, билганлар, таниш-билишлар ўзларини четга олишарди, баъзи кариндош-уруғлар ҳам кадамларини узишганди. Дардимиз ичимизда эди, мана, худога шукур, энди юзимиз ёруғ бўлди". Бобомнинг ким бўлганлиги, менга колдирган васиятни илк даъфа бувимдан эшитдим, расмларини кўрдим, калбим кувонч, гурурга тўлди, фикри-зикрим уларда бўлиб колди, бобомни биладиган одамларни суриштириб топдим, сухбатларини олдим.

Бир куни бобом тушимга кирди: ок либосда, карашлари жиддий. Чоррахада, фалон манзилда, фалон кишиникида китобларим бор, бориб шуни ол, дедилар. Хайратланиб отамга айтдим, отам Тоги Ализода бобом фарзанди бўлгани боис, ўн йил «ётиб» кайтиб келган эди. Икковлашиб айтилган жойга бордик, эшикни такиллатдик, бир аёл чикди, хонадон сохибини сўрадик, кўп ўтмай, хассага таяниб кўзлари ожиз бир одам чикди. Максадимизни айтдик. Тўғри, раҳматли бобом у киши билан бирга ишлаган эканлар, кўп яхши инсон эди деб эслади, китоблар уй теварагига териглик, лекин стенка оркасида, ўзим касалманд одамман, огир мебелни силжитолмайман, узр, - дедилар. Кайтиб кетдик. Уч кундан кейин бобом яна тушимга кирди, китоб-ларимни ол деб кайта айтдилар. Яна бордим. Китобларни олмасам бўлмайди, сизни рози киламан дедим. Кучга тўлган йигит эдим, бир-икки одам кўмагида шкафни сурдик. Бобомнинг еттита китоби турган экан.

### Владимир шахрига сафар

Китобларнинг ичидан бир коғоз чикди. Владимир шахри турмасидан юборилган бу коғозда махбус Саидризо Ализода билан соат 9-00 дан 17-00 гача кўришиш, озик-овкат беришга ижозат берилиши ёзилган эди. Қандай килиб бу коғоз уйга етиб келмаган, китоб ичида колган-билмадик. Коғозни кўриб бувим кўп йигладилар. Коғозни катогон қурбони бўлиб ўн етти йил «ётиб» келган ветеран Раҳим ака Шокирбековга кўрсатдим: "Ҳеч бир сиёсий махбусга бундай коғоз берилганини кўрмаганман, эшитмаганман. Мўъжиза. Бу ерда бир сир бор, яхшилик аломати бу" - дедилар. Хузур-халоватимни йўқотдим. Коғозни олдим, самолётга чипта олиб Москвага учдим, туша солиб бир таксида Владимирга йўл олдим, тўғри турмага бордик. Каранг, 30 апрелда борган эканман, эрта-индин байрам, 3 май куни келасиз, дейишди. Мехмонхонага олиб борган таксист билан хайрлашдим. Нотаниш шаҳар, ҳеч кимни танимайман. Хамма байрам тараддудида. Мен эса ўзим билан ўзим, фикри-зикрим бобомда. Кечкурун ресторанга тушиб тановвул килдим. Юз грамм арак буюрдим. Кўшни столда уч киши хандон-хушон гаплашиб ўтирибди, бири ёши каттарок. Хавасим келди. Офитсиант киздан шу столга менинг номимдан битта коньяк кўйишини сўрадим. Йигитлар миннатдор бўлишди шекилли, бири ёнимга келиб, столга ўтишга таклиф килди. Хаёт тасодифларга тўла. Бахтли ва бахтсиз тасодифларга. Ишинг бир ўнг келса-келаверади, чап кетса ҳам шундай. Сухбатлашиб кетдик. Кавказликлар экан, тижорат килиб келиб-кетиб туришаркан. Келишим боисини сўрашди. Муддаомни айтсам, байрам кайфиятига тўғри келмайди, дедим. Йўқ, айтинг, деб кўйишмади. Ниятимни энди баён кила бошлаган эдим, бири секин кулогимга шивирлаб, айна керак одамни топдингиз, нуктага урдингиз, деди. Омадни каранг-ки, ўтирганлардан бири Гаврилия Чичиков деган абхаз бўлиб, ўша йиллари турмада омборчи бўлиб ишлаган экан, 3 май куни Чичиков турма бошлиги хузурига бошлаб борди. Яхши одам экан, ёрдам берди, ўттиз икки йил очилмаган, кўл

урилмаган 27877-делони кўлимга тутказди.

Набира 27877 ракамли делони илк бор кўлга олади, бобосининг зиндонда туширилган, кок суяк бўлиб колган, кўзлари чуқур ботиб кетган суратини кўриб ўзини йигидан тиёлмайди, кейин кўпчиликка кўйилган, бир колипдаги, бетутурук айбларни ўқийди, гўё "С. Ализода "Шўрои ислом"ташкilotининг дастурини тузган, чоп этган маколаларида "йўқолсин империализм" сўзи ўрнига "йўқолсин ВКП (б)" сўзини ишлатган, колхозлаштиришга карши чиккан, Сталин сиёсатини коралаган" ва хоказо. Ана шу асоссиз тухматларни тасдиклаган одамларнинг фамилиялари ҳам делода битилган бўлиб, ачинарлиси, уларнинг ичида бобосини яхши билган, ёрдамидан бахраманд бўлган самаркандликлар ҳам бор экан.

1940-1945 йилларда турмада врач, хамшира, ошпаз, омборчи, посбон бўлган кишиларнинг манзилларини топдим, суҳбатлашдим. "Ализода жуда интизомли, тарбияли, донишманд инсон эди, - деди 80 ёшли врач Екатерина Богатова. - Турма бошлиги бобонгизни хурмат килар, менга у кишидан яхши овкатлар, дори-дармонларни аяманг дерди".

Турма девори атрофларида кўзимда халка-халка ёш, бобом кабри тахмин килинган жойни кидириб юрганымда кўлида лола кўтариб келаётган бир рус чолни кўриб, гаплашиб колдим. Омадимни каранг, айна бобомнинг кабрини зиёрат килиш учун келаётган экан: "Мен бобонгиз ётган камеранинг посбони бўлганман, тўрт йил кўриклаганман, йигирма йилдан бери пенсиядаман. Ализодани кадрлар эдим, кўлларида тутиб, турма касалхонасига етаклаб борардим. Мана - кабри. Хар 3-4 ойда келиб, гул кўйиб кетаман". Чолни кучоклаб рахмат айтдим, тўйиб-тўйиб йигладим.

Бехбудий энг ками тўрт тилни билишга даъват этган, Саидризо Ализода эса кам эмас, кўп эмас, ўн тўрт тилни билган, булар: ўзбек, тожик, форс, араб, озар, усмонли турк, татар, курд, рус тилларини мукамал, олмон, инглиз, фаранги тилларини яхши билган, арман, иброний тилларидан дуруст хабардор бўлган. Айна чоғда С.А. имзоси билан берилган "Хар миллат ўз тили ила фахр этар" маколасида ("Ойна" журнали, 1914 йил 35-сон.) хар бир миллат ўз тилини кўз корачигидай асраши лозимлигини уктиради: "Агарда тил ва адабиётимизни мухофаза килмай, анга ажнабий лугат ва сўзларни кўша берсак, бир оз замонда тил ва миллиятимизни йўкотурмиз. Миллиятимизни йўкотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта йўқолур. Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан мухофаза килмоклик энг биринчи мухим бир вазифадир". С. Ализоданинг олдинни кўргандай башорат килиб айтган ушбу фикрларини профессор Бегали Косимов Бехбудийга багишланган "Карвонбоши" маколасида алохида кайд этган эди.

Кўп тилларни билиши донишмандга панд ҳам берган (инглизларнинг жосуси деган асоссиз шубхага сабаб бўлган), кўп жойларда эса корига яраган. Кахрли Иван Грозний курдирган Владимир "Централ"ининг совук, зах яккашин хонасига турма бошлиги Раввинский, хамма кетгач, ярим тунда, хаётини хавф остига колдириб, сиёсий махбусдан аждодларининг ўзлари унутган иброний (иврит) тилини ўргангани кирар экан, яхшиликка яхшилик килиб уни кўриш, озик-овкат юборишга ижозат берадиган хат жўнатиш имкониятини яратган, минг афсуски, хат Самаркандга келгану зорикиб кутган

хонадонга етиб бормаган.

Турма нозирининг яна бир яхшилиги - озод бўлган бир махбусдан Ализоданинг пахталигини оиласига бериб юбориши бўлади. У одам сирдан беҳабар бўлганми ё ёдидан кўтарилганми, пахталик ичига битиклар жойлаштирилганини эслатмайди. Рафикаси бу бебахо ёдгорликни сандикка солиб кўяди. Орадан йиллар ўтиб эски буюмларни шамоллатиш пайтида пахталикнинг титилиб кетган астарлари орасидан кўп битиклар чикиб қолади.

Тиниб-тинчимас невара не-не машаккатлар билан С. Ализода "дело"си билан танишгач, излай-излай, ниҳоят, қабрини топгач, бобосининг хокини Самаркандга кўчириш харакатига тушади. Бунга эришиш учун нақд ўн йил (1977-1987) керак бўлади. Гайбуллох ас-Салом ёзади:

"... хатто вафотидан кейин оқланган бир инсоннинг қабрини унинг ўз ватанига кўчириш ҳам ниҳоятда кийин кечди. Махаллий ҳукуматлар бу ишнинг катта шов-шувга айланишидан чўчиб, турли тўсиқларни ўйлаб чиқардилар... Фарход яна қайтиб бориб, Владимир шахрининг маъмурияти ва зиндонбонларига етти букилиб ялинишга мажбур бўлди. Аслида, Самарканд шаҳар ижроия кўмитасидан Ализоданинг қабрини, мархумнинг қариндошлари ҳисобига, Владимир шахридан Самаркандга кўчиришга рухсат этилиши ҳақида атиги бир энлик хат сўралган эди, холос. Шунчаки йўлига! ("Эзгуликка чоғлан, одамзод, 197-198 бетлар).

1987 йили Владимир шахри хокими Роберт Карлович Магазин кутилмаганда одам-охунлик қилади. Расмий ҳужжат, коғоз-поғоз сўрамай, каттик ёмғир ёғиб турган кезде, ўзи шахсан қабр бошида туриб, ўта эҳтиёткорлик билан қирк икки йил ер остида ётган Саййиднинг суяқларини олиб, матоҳга ўраб, неварасига топширади ва Фарход Тоғиевичга қарата: «Ализода бизнинг аждодлар тили-ибронийни билар экан. Анграйиб қолдим... Тўғриси, ўзим яхудий бўла туриб, она тилим бўлмиш ивритни (ибронийни) билмайман. Менга - уят! Сизнинг бобонгиз бўлса, қаранг, менинг мен билмаган она тилимни билар экан-а! Тупроғи енгил бўлсин шу улуг инсоннинг!» - дея илик сўзлар айтиб қузатади.

### **Машхурликдан номаълумликка, сўнг яна машхурликка...**

Саидризо Ализоданинг хоки "Панжоб" қабристонига дафн этилгани, у яшаган уй музей қилингани, бронза бюсти ўрнатилгани, таваллудининг 105,115 йилликлари тантанали нишонлангани, Гайбуллох ас-Салом, Ф.Ализода, С.Ха-йитов, С.Соқолов, Ш.Микаэлов, С.Ҳожиэва, С.Умиров, Ф.Тошев, А.Неверов, У.Қодир, М.Муқимов ва бошқаларнинг мақолалари эълон қилингани, хорижда асарларининг янги нашри тайёрланаётганидан ўқувчилар хабардор, албатта. Фарход Ализоданинг мақсад йўлидаги собитқадамлиги, гайратлилиги, ташаббускорлиги, янги-янги гоёларга бойлиги ҳавас қилгулик, ибрат олгулик. Мана, етти йилдири, Фарход Ализода Москванинг Химқидаги ҳужжатгоҳида, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида бобосининг меросини, ўзбекистонлик журналист, ёзувчиларнинг ўтган асрнинг биринчи ярмида нашр этилган қўлёзмаларини синчиклаб ўрганиш билан банд. 2004 йилда Покистон президенти

Парвиз Мушаррафга хат ёзиб, ижозатини олиб, Москва телевидениясининг "Мусулмонлар" кўрсатувининг мухаррири ва оператори билан Исломободга, Лохурга боради. Лохурдаги "Панжоб" кутубхонаси бош директори Аксар Хусайн Гилоний бобосининг ўтган асрнинг йигирманчи йилларида нашр этилган бир неча китобини топширади, Фарход ака ушбу ва яна кўп китобларни юртига, уй-музейига олиб келади, буларнинг бари тасвирга туширилиб, Покистон телевидениэ-сида, кейин Москва телевидениэсида кўрсатилади; 2006 йил дунё эронийлар конгрессида С.Ализода ижоди хақида маърузалар килади, унга фахрий докторлик унвони берилади. Россия космонавтикаси музейлари ассотсиатсияси (АМКОС) мутафаккирнинг Сиолковский билан деярли бир вақтда ёзган "Фазо илми" китобини юкори баҳолаб, С.Ализода уй-музейини музейлар ассотсиатсиясига аъзо қилиб олади, 2004 йил 26 апрелда космонавт учувчи АМКОС президенти Р.Попович имзо чеккан 75-сон гувоҳнома буниинг далили.

Фарход Ализода билан Тошкентда Гайбуллох ас-Саломнинг ва бизнинг хонадонда, Самаркандда, Челақда суҳбатлар курганмиз, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факултетида икки марта учрашув ўтказганмиз, хар сафар у кишидан машхур бобоси хақидаги янги, марокли маълумотлар эшитамиз, гурунгларини кумсаймиз.

Нохуш воқеанинг нохуш ёди: 1937 йил декабрида Самарканд давлат университетида араб тилидан дарс бериб уйига қайтган Саидризо Ализодани НКВД ходимлари келиб, кўлига кишан солиб олиб кетадилар...

Хуш воқеани хуш эслаб. 2002 йил 26 февралда Самарканд давлат университетининг одам лик тўла мажлислар зали. Саҳна. Саидризо Ализоданинг кўркам, нурли сиймоси кўриниши билан кизгин олқишлар янгради. Мутафаккир барчага боқиб: "Ассалом, биз орзиқиб қутган истиклол, ассалом истикбол, азиз инсонлар, ёр-биродарларим, хамкасбларим, ёш дўстларим, мана мен сизнинг хузурингизга қайтдим, энди доимо сиз билан биргаман", - деяётгандай эди.

**Сайди Умиров,  
Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.**